

Жаноза намозининг шартлари | Фикҳ дарслари (263-дарс)



09:00 / 04.01.2024 6252

هُلِّلَا يَضْرِبُكَ نَبِيُّ بَأْنَع
هُتَضَبَقْ مَا مَدَانَا لِقَاقُ هُنَع
هُوَلِّسَعَوُ، هُكِيَّالْمَلَا
هُرَفَحَوُ، هُوَطَّنَحَوُ، هُونَّفَكَوُ

هَيْلَعِ اَوْلَصَو ، هَل اُوْدَحْلَاو ، هَل
هُوَعَضَوَف هَرْبَقِ اَوْلَخَدِّ مَث
هَيْلَعِ اُوَعَضَوَو ، هَرْبَقِ يَف
رَبَقْلَا نِم اُوَجْرَخِّ مَث ، نَبْلَلَا
مَث ، بَارْتَلَا هَيْلَعِ اُوْتَحِّ مَث
هِيْذَه ، مَدَا يَنْبِ اَي : اَوْلَاق
دَمْحَا هَاوَر . مَكْتَنْس

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Фаришталар Одам алайҳиссаломнинг жонини қабз қилганларидан сўнг у кишини ювдилар, кафанладилар, хушбўй нарса суртдилар, қабр қазидилар, лаҳад қилдилар, жаноза намози ўқидилар, сўнгра қабрга қўйдилар-да, устиларидан ғишт териб, қабрдан чиқиб, тупроқ тортдилар ва: «Эй Бану Одам, ушбу суннатингиздир», дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Жаноза намозининг шартлари ҳам бошқа намозларнинг шартига ўхшайди. Жаноза намозида ҳам, барча намозларда бўлгани каби, таҳорат, сатри аврат, қиблага юзланиш шарт.

Ўлим, маййитни ювиш, дафн қилиш, қабр, унга оид ҳукмлар ҳамма билиши лозим бўлган ўта муҳим масалалардир. Аммо кўпчилик бу масалалардан хабардор эмас.

Бу масалалардан билинганлари ҳам ихтилофлидир. Кўпчилик улар ҳақида ишончли маълумот олишни истади.

Албатта, бу хулосада барча далил ва ҳужжатларни жамлаган, таҳлил қилиб, тартибга солган фуқаҳоларимизнинг меҳнатлари самараларидан фойдаланамиз.

Энди «Муҳтасари Виқоя»да бу борада келган матнларни шарҳлашга ўтайлик.

Муҳтазарни ўнг ёнбоши ила қиблага юзлантириш суннатдир. Чалқанча ётқизиш ихтиёр қилинган. Шаҳодат талқин қилинади.

Муҳтазар(ўлимга юз тутган шахс)га нисбатан қилинадиган мустаҳаб ишлар:

1. Муҳтазарни суннатга биноан, ўнг ёнбоши билан қиблага қаратиб ётқизилади. Чунки вафот этганидан кейин худди шу ҳолда қабрга қўйилади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Байтуллоҳ ҳақида: «У сизнинг тиригингизнинг ҳам, ўлигингизнинг ҳам қибласидир», деганлар.

عَدَاتِ قِيَابِ نَعْمُ كَالْحَالِ يَوْر
يَبْنُلَانَا: هُنَعْمُ هَلْ لِي ضَر
أَمَلَمَّ لَسَوِ هِيَلَعْمُ هَلْ لِي لَص
ءَارْبُلَانَعْلَ أَسَ نِي دَمْلَامَدَق
يَفُوت: أُولَاقِفِ رُوعَمَنْب
يَصُوَأُو، كَلِ هِثْلُثِبِ يَصُوَأُو

Ўлганда жағи танғиб боғланади ва кўзлари юмдирилади. Унинг тахтаси ва кафанига тоқ санокда хушбўй нарса тутатилади.

مُكَّاحُ لَأَوْ نَأْبِحُ نُبَّأَوْ دَمْحَ أَى وَر
لَأَقُ هُنَّعُ هَلَلَا يَضَرُّ رِبَّاجُ نَع
هَلَلَا يَلَّصُّ يَبَّنَلَا لَأَقُ
مُتْرَمَّجَ إِذَا: مَلَّسَ وَهَيْلَع
يَفَو. «أَرْتِ وَهُرْمَجَّ أَفَ تَيِّمُ لَأ
أَثَالَتُ هُرْمَجَّ أَفَ»: هَيْ أَوْر

Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Ҳоқим Жобир розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар маййитга хушбўй тутатадиган бўлсангиз, тоқ қилинг», деганлар.

Бошқа бир ривоятда:

«Унга хушбўйни уч марта тутатинг», дейилган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.